

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1-йил чиқиши.  
12 ДЕКАБРЬ 1966 й.  
ДУШАНБА  
№ 138  
БАҲОСИ 2 ТИЯИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## МАҲАЛЛА КОММУНИСТЛАРИ



«Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи Октябрь районидagi илгор маҳаллалардан бири. Бунда шубҳасиз коммунистларнинг роли натта. Маҳаллада 76 коммунистни бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти (секретари Ф. Қодиров) тузилган. Маҳаллада ҳар бир коммунист бир жамоатчилик ишига жалб қилинган. Масалан, илгилик ҳодими Маждухон Зуфархонов маҳалладаги Исmoil Мансадулов номандлиги қилётган халқ дружинчиларини оталиқча олган. Дружинчилар ўз вазифаларига сидиқидан муносабатда бўлишлари натижасида маҳаллада жамоат тартибининг бузилиши каби ҳоллар туғилди. Маҳалла территориясида тартибсизликлар бўлмайдиган, чойхонада спиртли ичимликлар ичишга ҳам барҳам берилди.

Журналист Абдурауф Раҳмонов, электромонтер Турғун Йўлдошев, Хамидулла Йўлдошев каби коммунистларга маҳаллада тарбиявий ишларни олиб бориш юлганган. Партия ташкилоти аҳоли ўртасида Собиқ шайх Низомиддин Хўжаевнинг «Мен нима учун диндан воз нечдим», район милиция бўлимининг бошлиғи А. Иноғомовнинг «Жамоат тартибиди санлаш — умумхалқ иши», район прокурори Х. Убайдуллаевнинг «Совет йонунчилигининг моҳияти», «Ички ишларнинг зарарли оқибатлари», филология фанлари кандидати Музайнна Алавиёвнинг ахлоқ ва одоб, бола тарбиясига оид натор суҳбатларини ташкил қилди.

Дабдабали тўйлар ва улардаги исрофгарчиликни йўл қўймаслик мақсадида тузилган тўй комиссияси составида ҳам коммунистлар бор. Тўйлар энди таъомилла йилгича ўтмоқда. Чинни заводнинг ишчилари

Унтамхон ва Анвар Тилланазаровларнинг, Мунира ва Эркин Йўлдошевларнинг йилгича тўйлари нуда яхши ўтди.

Хотин-қизлар ўртасида ҳам оммавий тарбиявий ишлар йўлга қўйилди. Маҳалла активлари иштирокида ўтказилган очик партия йилгилици ҳарори билан уй-рўзгор ишларида шу гулланувчи аёллар учун йилгича иш ўтараги ташкил этилди. Бу тўғарида актив жамоатчилик оидон коммунист Тошхон Шермухамедова бошчилиги қилмоқда. Утган йил 77 гаранни битириб чиққан 33 хотин, қиз ўз болаларига ўзлари ийим тилиб берадиган бўлиб қолдилар. Ҳозир эса хотин-қизлардан 38 киши тўғарида хунар ўрганмоқда.

Маҳалла коммунистларининг натта ишлари аҳолининг активлигини ошириб юборди. Кейинги йилларда маҳаллада бунёд этилган клуб, болалар поликленикаси, нон ва атторлик магазинлари, почта бўлими, болалар хонаси биноларининг ҳанмаси, ил ҳашар йўли билан маҳалла аҳолиси нурди. Бу ишларга Ҳоди Зинеев ва Турғун Йўлдошев каби коммунистлар бошчилиги қилишди. Маҳалла аҳолисига қудайлик туғарида коммунистларнинг диниқат марказида. Ҳозир битиш олдига турган, жамоатчилиги асосида нурлаётган дорихона ва нонвойхона биноси ҳам фиримизнинг далилидир. Маҳалланиннг ҳар бир ишиси шу бинога битта гишт бўлсада қўйиб, ёрдам беришга интиломоқда.

Бир оиладай иноқ бўлган бу маҳаллада қилнаётган ишларини куриб, порлок эртаниннинг, коммунистнинг улугвор нафасини ҳис қилди ишчи.

Х. САЪДУЛЛАЕВ.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги шарафига йилдан бошлаб Ўзбекистонда шахмат ишчиболаларининг фестивали ўтказилди. Бу фестивал республика миқомида биринчи марта ташкил этилмоқда.

Фестиваль уч этапдан иборат бўлиб, биринчи этап

1 мартгача давом этади. Бу вақт ичнда пойтахтмиқомида фабрикаларда, муассаса ва корхоналарда шахмат шинавалдарининг ўзаро учрашуви бўлиб ўтади.

Иккинчи этап — ярим финал ҳисобланади, 5 мартдан 1 майгача давом этади. Бунда асосан ҳар бир корхона,

муассаса ва завод шахматчиларининг голиблари учрашадилар.

Учинчи этап фестивалнинг финали ҳисобланади. Бу учрашууда голиб чиққан уч шахматчи СССР халқларининг IV Халқаро спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини олади.

Суратда илгор тинувчи Дилором Раҳматуллаева. Смена топшириқлари охири бариш бажариш билан бирга, юқори сифатли маҳсулот тайёрлайдиган бу чевар қизнинг номини «Қизил тоғ» тинувчилиги фирмасининг коллективи хурмат билан тилга олади.

КЕИНИГИ пайтларда Тошкент аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланди. Эндиликда меҳнатнашлар ўзлари хоҳлаган маданий ва хўжалик молларини прокатга олаётганликлари қувончли бир ҳодир.

Лекин айрим маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари меҳнатнашларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳали тўла қондирмаптирлар. Тошкентдаги кийимларни химиявий тозалаш фабрикаси ва «Сангори экран» комбинатининг қондириш ишлаши фиримизнинг далилидир.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш республика бошқармаси ходимлари билан журналистларнинг учрашувида ана шу масала ўртага ташланди.

Учрашууда яқна тартибда кийим тинувчи Ленин номи фабрикаси, «5 декабрь» номи пойабзал фабрикаси ва бошқа фабрикалар ишчилари томонидан тайёрланган кийимларнинг янги нусхалари намойиш қилинди.

Бундан ташқари, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва ательеларнинг заллари ҳамда хоналарининг лойиҳаси ниставадан жой олган. Виставада Ленин номи фабрикасининг иккинчи цехи тайёрлаган рус миллий пальтоси, «Пахта байрам», «Ешилди» деган европача аёллар кўйлаги ва «5 декабрь» фабрикасини ишлаб чиқарган эркаклар ва аёлларнинг мавсумий пойабзаллари учрашув қатнашчиларининг эътиборини ўзига жалб қилди.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Учрашууда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бўшқармаларининг бошлиқлари, журналистлар, фабрика инженерлари, бош технологлар ва бошқа мутахассислар иштирок этидилар.

Учрашуви республика Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш министери ўртоқ В. Барабаш олиб борди. Журналистлар билан мутахассислар ўртасида қизиқарли савол-жавоб бўлди.

Шунингдек, учрашууда Андижон области маданий-маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи А. Рустамбеков, Қашқадарь области аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи М. Абдурахимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, бу соҳада эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзладилар.

Учрашув охирида ўртоқ В. Барабаш маданий-маиший хизмат кўрсатуви корхоналарининг ходимлари олдига турган навбатдаги вазифалар ҳақида батафсил гапирди.

## БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

### ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Янги тошкентни бунёд этаетган азамат қурувчилар учун қурилиш-монтаж маҳсулотлари етказиб бераётган «СОЮЗСТРОЙИНСТРУМЕНТ»НИНГ ТОШКЕНТ БУЛИМИ БУГУН ГАЛАБА РАПОРТИ БЕРДИ. ИШЧИЛАР МАХСУЛОТ Ишлаб чиқариш йиллик планини шараф билан адо этидилар.

Коллектив йил охиригача пландан ташқари яна 430 миңг сўмлик қурилиш-монтаж маҳсулотлари тайёрлаб бериш мажбуриятини олди. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солган пешқадамлар ҒАЙРАТ.ШИНОАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

### 14 МИНГ КУБОМЕТР

«Главашкентстрой»га қарашли 1-темирбетон буюмлари заводи ишчилари улкан ишловлар учун йилгича темирбетон буюмлари тайёрлаб беришга жадвал суръатларда олиб бормоқдалар. Темирбетончилар астойдил меҳнат қилганликларини тўғридан тўғри йиллик планини бугун шараф билан бажардилар.

## УНУМЛИ АГРЕГАТЛАР

Тошкент асбобозор заводининг цехларида янги механизмлар ўрнатилмоқда. Термик цехида Москвадаги Давлат лойиҳа институти инженерлари лойиҳаси асосида яратилган ўта қирқувчи асбобларни чиқариладиган ярим автомат агрегат ўрнатилди.

Бу агрегат олти кишининг ишини бажаради. Бир йилда 2 миңг сўм фойда беради.

Бундан ташқари, шу қунарда корхонада деталларни термик тоблаб, ишлаб берадиган яна бир агрегат ўрнатиш ишлари олиб бориладилар. Станоксозликнинг кейинги ютуқларидан бири бўлган бу агрегат йилгича давлатнинг икки миңг сўм пулини тежаб қолади.

### ЯНА 350000 СЎМЛИК

«Ташобтрансспецстройга» қарашли 980 УНФнинг меҳнатсевар ишчи-хизматчилари бугун аjoyиб галабани қўлга киритдилар. Улар йиллик планда курсатилган қурилиш ишларини муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида галаба рапорти бердилар.

Илгор коллективи ўз имкониятларини қайта кўриб чиқди. Йил охиригача яна 350 миңг сўмлик қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олди. Қурувчилар янги йилни муваффақиятли кутиб олиш учун қурашмоқдалар.

### 5315 ЦЕНТЕР ГЎШТ

Аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда бурдоқига боғиш ва давлатга сотиш бошқармасининг ходимлари аjoyиб ишларини амалга ошираётдилар. Бурдоқчиликни бошқармаси ишчилари планда белгиланган 3300 центнер ўрнига 5315 центнер тирик вазнда бурдоқни гўшти тайёрладилар. Йиллик план ортиги билан бажарилди.

### ЭРКАТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Бу йил чилонзорлик эркатойлар учун янгиликлар йили бўлади. Кўпгина болалар боғчалари ва аспирлар ишга туширилди. Район халқ маорифи бўлими янги уйлارга қўчиб келатган аҳолини эътиборга олиб, болалар муассасаларини қўлай тиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Бугунгача 600 ўринли болалар муассасалари фойдаланишга топширилди. Янги йилгача массивнинг 11, 16 ва 17-кварталларида яна 840 ўринли уч комбинат болаларни ўз бағрига олади. Бинокорлар бу комбинатларда сўнгги пардозлаш ишларини нихоясига етказмоқдалар.

## АВТОМОБИЛЧИЛАР ЮТУҒИ

Республика Автомобил дилари. Километр тонна транспорт ва йуллар қурилиши министрлиги.

Автомобил меҳнатсевар коллективини йил охиригача тонналар буюмига йилгича йил топширилган ишларини айтиш мумкин. Янча яна 60 тонна ва раф билан бажарди. 900 километр тонна ишлар тонналар буюмига бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб ни 107,5 процент адо этиб юбордилар.

## 354 ОИЛАГА УЙ

«Крупнопанельжилстройга» қарашли 153-трестнинг 2-қурилиш бошқармаси коллективи аҳолини кўпроқ уй-жой билан таъминлаш учун қурашиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Чилонзорнинг «Д-17» секторидида қуриб битказилган бешта кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Қуриб битказилган уч уйнинг ҳар бири 70 хонали, биттаси 96 хонали, яна бири эса 48 хонадан иборатдир.

Қўли гул бинокорлар янги йилгача қадар яна иккита мана шундай сифатли бинони қуриб, фойдаланишга топшириш учун ўзаро мусобақани қизитиб юбордилар.

«Узбексельмаш» заводи ишчиларининг кўпчилиги ўқини меҳнат билан қўшиб олиб борди. Бу ўқининг ижодий самараларини бермоқда. Ишчилар меҳнатга ижодий ёндашиб, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга теозорлик билан қўлланмоқдалар.

Суратда корхона йилгича механизани цехининг илгор элентр пайвандчилардан бири — жамоатчи коммунист Х. Маликов. У бу йил 16-ишчи ёшлар мактабининг 11-синфини битирди.

## ШАҲРИМИЗ ОБИДАЛАРИ

Ҳозирча шаҳримизда тарихий темадаги монументлар, ишсотларнинг гоявий бадиий композициялари, тематик паннолари йўқ. Аммо, яқин келгусида бундай аjoyиб тарихий обидалар шаҳримиз кўчаларида, боғ ва ҳиб болаларда қад кўтарари.

Чинакам ижодий меҳнат маҳсули бўладиган обидаларни яратишдек масъулиятдан ишга давлат этилган Тошкент шаҳар бадиий Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигига атаб талағини, на армуғонлар ҳозирламоқда. Пойтахтнинг Бекумий майдонидида ўтказилган мусомоларга бағишланган ҳайкал энг гўзал обидалардан бири бўлади.

Бинокорларнинг жўшқин меҳнати ҳам ижодкорларга илҳом бағишламоқда. Шаҳримизда бинокорларнинг мажорати ва мардлигини эса эътирдиган тарихий монументлар лойиҳаси устида қизғин ижодий иш бошланди.

«Победа» маданият ва истроҳат боғига кириваришда нўзга яққол ташкил турадиган хотин-қизлар ҳайкалининг яратиш тараддуди нўрилмоқда. Ҳайкалнинг бўйи 6 метрли бўлиб, у мармар тошлардан бунёд этиллади.

## ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

Тошкентдаги Бузқондир комбинати коллективи тошкентликларнинг янги йил дастурхони учун аjoyиб совғалар тайёрламоқда. Бу, байрам арафасида озиқ-овқат дўконларининг хондотларини эгаллайди.

ган ранг-баранг торлардир. Улар «Буюртма», «Пахта», «Зефир», деб аталади. Бундай торлардан 20 тоннаси тайёрланади.

Корхона коллективи бугун декабрь ойининг янги учун белгиланган топшириқни бажарди.

Эрте-индин йиллик плани адо этиш учун қурашган коллектив маҳсулот турларини қўлай тириш билан бирга унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Комбинатда тайёрланаётган маҳсулотлар 60 хилли ташкил этади. Бундан ташқари, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва ательеларнинг заллари ҳамда хоналарининг лойиҳаси ниставадан жой олган. Виставада Ленин номи фабрикасининг иккинчи цехи тайёрлаган рус миллий пальтоси, «Пахта байрам», «Ешилди» деган европача аёллар кўйлаги ва «5 декабрь» фабрикасини ишлаб чиқарган эркаклар ва аёлларнинг мавсумий пойабзаллари учрашув қатнашчиларининг эътиборини ўзига жалб қилди.



Бугун Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан қўлиб олиш юзасидан ватанпарварлик ҳаракатини бошлаган «Ташкентсельмаш» заводи коллективни смена ва олий нормаларини мунтазам равишда ошириб бажармоқда. Корхонада коммунист меҳнат зарбдорлари сафи тобора кенгаймоқда. Суратда: 1-асбобозор цехининг М. Қулибоев бошлиқ коммунист меҳнат бригадаси аъзоларидан (чапдан ўнгга) А. Литвиненко, П. Дятлов, Ю. Роговев, Г. Шепталкин, В. Бутнев, С. Сурьев ва В. Сенча. М. Нуриддинов фотолари.



## ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК МИТИНГИ

УЛАН-БАТОР. Қурашайтган Вьетнам халқи билан бирдамлик митингининг қатнашчилари Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасини шаҳар ва қишлоқларига қилаётган ваҳишона ҳужумларини газаб билан қораландилар ва Вьетнамдаги урушни дарҳол тўхтатишни қатъиян талаб қилдилар.

МОНЦАМЭ агентлигининг хабар беришича, митингга сўзга чиққан ноҳиялар: монгол халқи социалистик ҳамдустлигидаги халқлар билан биргаликда бундан буюн ҳам қаҳрамон вьетнам халқининг адолатли курашида унга қардошлик ёрдами кўрсата берадилар, деб айтдилар.

## КИПРДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА У ТАНИНГ ДОҚЛАДИ

НЬО-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан хафтасида Кипрдаги аҳолига йўллаган аъло қилниган доқлада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кипрда тинчликни сақловчи қўшинларини яна ярим йил муддатга — 1967 йилнинг 26 июнигача Кипрда қолдиришни тавсия этди.

У Тан айтдики, кейинги олти ой ичнда Кипр проблемасини бартараф қилишга ҳалақит бераётган гавларни тугатиш йўлида бирон илдий силжиш бўлмади.

Бош секретарининг айтишича, у Кипр масаласи юзасидан Греция ва Туркия ҳукуматлари ўртасида олиб борилаётган маҳфий музокараларнинг мазмунини тўғрисида ҳеч қандай ахборотга эга эмас. (ТАСС).

## Озодалик — саломатлик гарови

БАМАКО. Мали республикаси Соғлиқни сақлаш министрлиги гитена муассасасининг таъбиуси билан мамлакат пойтахтида оммавий санитария тадбирлари ҳафтаси ўтказилмоқда. Махсус низоҳатланган санитария командалари беғистно ҳама бинолар ва турар жойларни дезинфекция қилмоқда. Ариқлар тозаланимоқда, уй-жой бинолари

атрофидаги ўтлар қуйдирилмоқда. ахлатни мунтазам табиб кетиш йўлга қўйилмоқда. Аҳоли ўртасида гитена қондаларига яқин қилишнинг ва хатарли касалликларга қарши курашда қўлланиладиган профилактика чораларининг аҳамияти тўғрисида оммавий тундиртиш ишлари олиб бориладилар.

## РЕЗОЛЮЦИЯ РАД ЭТИЛДИ

ЛОНДОН. Лордлар палатасида Жанубий Родезия масаласи юзасидан давом этган мунозаралардан кейин Вильсон ҳукуматининг Родезияга нисбатан қўйлаб-қувватловчи резолюция 84 овозга қарши 100 овоз билан рад этилди.

Шу резолюция умум палатасида овозга қўйилган пайтда 353 делегат ҳукуматни қўйлаб овоз берди ва 244 делегат қарши овоз берди. (ТАСС).

## ВИЛЬСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН. Бош министр Вильсон умум палата, сида саволларга жавоб қайтариб бундай деди: кейинги маълумотлар «далла берувчи» маълумотлардир ва менинг фиримча, ҳукумат томонидан нурлаётган тадбирлар мамлакатнинг бу йил ижодий тўлов балансида эришуви учун йўл очиб беради.

Вильсон айтдики, кейинги 12 ой ичнда Англия экспорт қиммати жиҳатидан ўтган 12 ойдагича нисбатан 7,3 процент орди, ваҳоланки шу давр ичнда импорт атиги 5,3 процент қўлайди. (ТАСС).

## МЭР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

НЬО-ЙОРК. Америка ҳарбий полицияси Сайгон марши Ван Ван Куан «янгилиши» қамалб қўйилганлиги натижасида Сайгоннинг дипломатик доираларига натта сурон кўтарилди.







# ШОҲ

«ШАҲ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ 11-СОНИ БИЛАН ЧИҚДИ. ЖУРНАЛ МАҲМУМ ЭЪБИНИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРЛАРИ БИЛАН ОЧИЛАДИ. ЖУРНАЛХОНЛАР БУ СОҢДА ЁЗУВЧИ ИБРОҲИМ РАҲИМНИНГ «СЕН ТУТИЛГАН ТУНДА» ҚИССАСИ, ШОИР МАМАРАСУЛ БОБОВЕНИНГ «ШАВАДА ВА ЯПРОҚЛАР» ШЕЪРЛАР ЦИКЛИ, ШОИР БАРОТ ВОИҚОВИЛОВНИНГ «ХАЙКАЛЛАР СУЗЛАРИ» ДОСТИНИ БИЛАН ТАНИШАДИЛАР. ЖУРНАЛДА «ҚАРЛОШЛАР АДАБИЙТИДАН» РҮВРИКАСИСТИДА БОШИРИСТИОН ХАЛҚ ШОИРИ МУСТАЙ ҚАРИМНИНГ «ОП ТУТИЛГАН ТУНДА» НОМЛИ УЧ ПАРДАЛИ ФОНТИРАДА ШОИРА ЗУЛФИЯ ТАРЖИМАСИДА ВОСИЛАН. «ХАЛҚ ОБЪЕКТИ ИКОДИ» УМУМИЙ САРЛАВХАСИ ОСТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ М. МУРОДОВНИНГ «РАЗЗОҚ ВАХШИ ҲАНИДАГИ МАҚОЛАСИ ҲАМ. ДА РАЗЗОҚ ВАХШИНИНГ «ЛЕНИН БОБОМ ДОСТИ» АСАРИ ҲАМ ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР. ШУНИНГДЕК, ЖУРНАЛХОНЛАР БУ СОҢДА ЧЕТ ЭЛ ПРОГРЕССИВ АДАБИЙТИДАН ҚОВО АЪБИНИНГ «ҚУМДАГИ ХОТИНИ» РОМАНИНИ, М. ҚОРИЕВНИНГ «ЯРИМ АСР БЎСАҒАСИДА» ПУБЛИЦИСТИКАСИНИ, СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАРИ ВТУНИТТИФОҚ IV СЪЕЗДИ ОЛДИДАН ҚАТОР ЁЗУВЧИ ВА АДАБИЙШУОСЛАРИНИНГ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНИ УҚИШЛАРИ МУМКИН.

# Н О Я Б Р Ъ С О Н И Д А

ҒАФУР ҒУЛОМ.

УНУТИЛМАС  
САТРЛАР

## „ЎЗБЕКНОМА“НИНГ МУҚАДДИМАСИ

Эй, исминга шоҳ асарлар бир поя эмас,  
Маънаинга жилдлаб китоб ниҳоя эмас.  
Тарихларнинг оғир вазири мазмунларини,  
Кишилиқнинг ҳаёт йўли яқунларини  
Ердан қуёш, қуёшдан ер тўпланса агар,  
Шу жамбастан виждон билан олинса хабар,  
Билинажак сенинг бизга қадри қимматинг,  
Эй, қудрати тарихларнинг яқунига тенг  
Бизнинг шоҳи Партиямиз, худди шу бугун  
Очмоқчимиз ўтмишлардан қонли бир туғун,  
Айтмоқчимиз бу тупроқнинг сарғуаштини,  
Кезмоқчимиз тарих бўйлаб ўлуу даштини.  
Улуғ элнинг айтажак бу ҳикоятда  
Бошдан-оёқ бир ҳақиқат умрмиз, чунки,  
Шунча қонли, файсиз ўқ оқибатида  
Эни таниш тақозоси келиб тугилди.  
Ватанимиз шунча гўзал, шунчалар гўзал,  
Ариқларда сув ўрнига оқадир асал.  
Офтоб келиб бу ўлкадан ҳарорат топган,  
Моҳтоб худди қўқимиздан ҳаловат топган.  
Шарбатларга тўлиб ётган боғу далалар,  
Ҳар қандайни сўқ қўзга ҳам ҳасрат солалар.  
Тошдан-тошга ҳатлагувчи ирмоқлар бизда,  
Қора қўли кийиклар кўп тоғларимизда.  
Бу тоғларнинг сазий қўли минглаб хазина,  
Фотиҳларнинг оч қўлига қандайдир ийна.  
Тер тўкилиб, парвариши қилинган чоғда,  
Нима битмас баракатли олтин тудроқда.  
Нафасининг шиддатидан жаннат унади,  
Хар шоҳига туман булбул келиб қўнади.  
Оталардан мерос қолган бир эски матал:  
«Уз бошига бало топар қиз бўлса гўзал».  
Ватанимиз гўзаллиги бўлди бир бало,  
Унга ҳўжа бўлмоқ бўлди хар қўзи ола.  
Минг йилларнинг муз қалбига қилинса сафар,  
Бу тупроқнинг мозийендан олинса хабар,  
Хар учраган кемшик тишан чирик бош суяк  
Хоҳонлардан, фотиҳлардан сўйлағай эртак.  
Бу даштларда тўзиг ётган туман-туман бош  
Минг йилларнинг ҳаққинга ютилади ююш.  
Бу ерларда ҳар тўқининг ўрни минг мезор,  
Фотиҳларнинг зулм долидан тортишди озор.  
Шафақларда акс этмишди тўқилган қонлар,  
Осмонга сингмишди оҳу афшонлар.  
Қон, ваҳшатдан занжирлашган муттасил кеча,  
Тонг отмади бу тупроқда минг йилларгача.  
Минглаб шаҳар асрларнинг қўнида ухлар,  
Унда ҳар бир емирланган тош минглаб мақбар.  
Шу тошларда боболарнинг қалби яшринган,  
Мана шулар бир мухтасар тарихдай альбон.  
Сўйлаяжак ўз иштироқ, ўз аламини,  
Жаҳонгирлар довулининг зилу замини.  
Агар очсақ кўз ўнгига тарихий фазо,  
Кезиб чиқсақ бу ўлкада бемулоҳаза,  
Қанча фотиҳ, қанча голиб, қанча жаҳонгир  
Бу тупроқда қон-ёш билан юғурмиш хамир.  
Бу тупроқлар кўпга бўлди қорвон сарой,  
Хар ўткинчи қилмоқ бўлди бунда ўзга жой.  
Бир тараф — Чин, бир тараф — форс, бир  
тарафда Рум,  
Йўл-йўлакай ҳар бириси қиларди хужум.  
Бир тарафдан босиб келди буюк Искандар,  
Шухратпараст, қўнини йўқ, жаллод, дарбадар.  
Бу ўлкани забт этувга ажлаҳо қўйин  
Шаҳарларни барбод берди мисоли қуюн.  
Хўжандгача ютиб келди ўтли дамгача,  
Бироқ бир турк гўзалининг тушиди домгача.  
Боболарнинг шунча ўткир ғазаб ва қини,  
Бу тупроқнинг битта ориқ сариқ чабини  
Искандардай жаҳонгирни ўлдирди олди.  
Ундан боқий харобалар эсдалик қолди.  
Эрон-Турон жанжаллари сурди асрлар,  
Афросиёб, Рустам, Барзу, Баҳром гўри хор,  
Хар ҳароҳхўр бу тупроққа қиларди таъма,  
Хар ит келиб остонага қўяр эди жағ...  
Бу тарихнинг бош-оёғи исёнга гўла,  
Бу исёнлар жушқин ғазаб, имонга тўла.  
Қашшоқликлар дағал қилган киши овозин,  
Зулм, аламдир бу ғазабга бергувчи вази.  
Исёнларнинг Муқаннаси — машхўр ниқобдор,  
Унинг зўри, дағдағаси Искандарга бор.  
Аламдиде даҳқонларнинг шоҳли сардори,  
Халқ ғазабин бир мухтасар яловбардори.  
Хону амир, бегу султон, зolim амлоқдор  
Муқаннасинг шидлатидан титради ноҳор.  
Эргашарин унга бутун очу яланғоч,  
Олар эди зolimлардан керагича бож.

Ғи йилдан кўп давом қилди бу кучли исён,  
Кўреатолди ўз сўзини халқдаги туғён.  
Оч, яланғоч, хонабардўш ота даҳқонлар  
Бу курашда тиззагача кечарак қонлар,  
Ўз эркини, ватанини, шухрат-шонини,  
Фарзандини, рўзгорини, сўнги нонини  
Аждарларнинг панжасидан омон сақлашга  
Тарихларга исён билан тақмишди жинга.  
Ҳар бир зулм, ҳар бедолага беролса туриш,  
Бироқ янги бир жаҳонгир бошларди юриш.  
Дин тарқатиб, қўлда қурол, талай қон тўкиб,  
Булардан сўнг араб келди ҳире қўзин тикиб:  
«Янги олдай букиллигиниз, рукуъ қилинганиз,  
Қўқла бўлар сўнгра сизнинг юксак ўзинингиз!  
Муҳаммаднинг пайгамбар денг, худди битта,  
Қўнмасангиз сўяжамиз сизни албатта».  
Қадрловчи озодликни, ватанини, эркини,  
Осон эмас бўйсундириш ёвқур ўзбекини.  
Қутайбанинг туркча исми «Теваполони»,  
Теваполон бошлаб келди туман балони.  
Чўлдан келган, олқишланган қора барбари  
Зулм бедоди ҳалдан ошди тоқатдан бари  
Пайканд шаҳри талон-торож қилинган кун  
Маълум бўлди ислом дини бутун мазмуни.  
Хуросон, Марв хазинаси олтинга тўлди.  
Олтин саноч шўрликларнинг пўстидан бўлди.  
Диндорларнинг қиличига қазо ёр эди,  
Мушрик элнинг фиғонига фазо тор эди.  
Амударё қирғоғида кирин бўлган кун  
Баҳоладан ҳар бошимиз нархи юз олтин.  
Хатто тева сўтига ҳам тўймаган араб  
Бу неъматлар ўлкасини қиларди хароб.  
Толқон шаҳри фозилларнинг ватани эди,  
Илмизининг шухрат топган маскани эди.  
Қутайбанинг шум қадами етган ҳамоно,  
Гўзал шаҳар текисланди, бўлди вайрона.  
Ичирилди ажал суви тўлдирилган жом,  
Бари халқи тиндан ўтди — бўлди қатли ом.  
Тўрт фарсаҳга туташ кетган хиёбона бор,  
Бу шаҳарда ўсган эди узун ёнғоқзор.  
Шу ёнғоқлар одамзоддан мевалар қилди,  
Шоҳларига қари, хотин, ёшлар осилди.  
Бу ўлкада тупроққа тенг бўлди билим, онг,  
Ҳар тақомил бекор кетди кўкка худди чанг.  
Қутайбанинг барбарлари қилич ўйнатиб,  
Ер титради, кўк ларзада, дарёлар жушқин.  
Милён етим ва есирни қириб-қақшатиб,  
Бошдан равоқ, қону ёшлар қилилар жайхун.  
Ваҳшат билан вола-фиғон ёқа бўлиша,  
Нобуд бўлар минглаб Сино, минг Зебунисо.  
Умин, даҳшат сайроғини қўришдан бешиб,  
Қўзин юмар эди ҳатто қуёш бечора.  
Бироқ тонган оқимгоҳга қонларда сузиб,  
Зар кинриги бўлмак эди мене панжара.  
Самарқанднинг бойликлари саноқсиз эди,  
Қутайбанинг ваҳшийлиги бошбоқсиз эди.  
Юз минг дирхам, бир минг асир йиллик хирожи,  
Сугд ўлжаси боқар эди араб хўжожини.  
Ҳар бир аскар шунчаллик кўп ўлжага эга,  
Бир темиртак қилич чикди минглаб баҳога.  
Қутайбадан бир саркарда сўрабди бир кун:  
«Агар сенинг қазонг етиб, ўлсанг ушбу кун,  
Сенга фақат уч сўз учун муҳлат берилса,  
Қайси сўзин айтган эдинг, қани айт?» деса,  
Яъни айтган: «Айтар эдим мен сўнги нафас:  
Сўяман деб, сўяман, деб, сўяман, деб, — бас».  
Бали, шундай бўлди унинг бизга сафари,  
Ислом билан бирга келди сўйиш хабари.  
Тонг ёришиб сўкилганлай уфқ пардаси,  
Мисн чиқди Муҳаммаднинг элрон ваъдасини.  
Орузларга етолмадинг: жанг-муҳораба,  
Шунча кўз ёш, шунча фиғон, шунча тоза қон...  
Қўнгли найранг қорхонаси бўлган Қутайба  
Бизни сўйди қалқон қилиб, қўлида қуртон.  
Ислом дини қилич, содоқ, темирларидан  
Наслимизнинг оёғига қуюлади занжир.  
Жаннат ваъда қилган оят-ҳадисларидан  
Бўғзимизда қолди фиғон, оташин шамшир.  
Қанча идрок, лаҳо кетди лабин очолмай,  
Юракдаги хазинадан дурлар сочолмай...  
Эй, Ер,  
гўзал бўлмайин сенинг ҳаққинг йўқ,  
Не-не қизлар қад букиб сени сулурган.  
(1946.)



Мақсуд ШАЙХОВОД.



ХОСИЯТ.

## ПОРТРЕТ УСТАСИ Рассом блокнотидан

Янги асар ишлашда ҳар бир илюстратор  
ўзинча йўл тутadi. Ёзувчи қаҳрамони  
билан учрашганда, унинг фазилатла-  
рини шобди диққат билан кузатади, жу-  
рафистини одатда қаҳрамоннинг ишлаб  
чиқаришдаги фаолияти, ўрнатилган  
томолини кўпроқ диққат қилади. Рас-  
сом қаҳрамон образини ранглар, ну-  
рлар, соялар шўъласида яратadi.  
Шундай рассомлардан бири Ўз-  
бекистон ССРда хизмат кўрсатган  
санъат арбоби Абдулҳақ Абдуллаевдир.  
Агар таъбир ижоз бўлса, Абдулҳақ  
Абдуллаевни замонамиз Беҳзоди дейиш  
мумкин. У тасвирий санъатимизнинг  
энг нозик нуқтаси — портрет чизида  
пеицадамлик қилапти.  
Санъаткор кўпга мўйқалам тутган  
кундан бошлаб 1946 йилга қадар икки  
юздан ортиқ ранго-ранг портрет чизди.  
Ҳар бир санъаткорнинг ўз севган те-  
маси, қаҳрамони бўлади. Абдулҳақда  
эса икки аҳдлари образини яратишга  
мўйиллик устуви. Унинг тўнғич йи-  
ри асари — СССР халқ артисти Аб-  
роҳ Хидоятнинг «Отелло» ролидаги тас-  
вирда ҳам янқоқ кўриш мумкин. Рас-  
сом Отелло образини яратган буюк ак-  
тени ҳаётий акс эттирди.  
Тасвирий санъатда илюстратор кишилар  
образини яратиш мусаввирдан катта  
тажриба ва зўр маҳорат талаб этади.  
Э-ир этилган талабларни биз Абдулҳақ-  
нинг «Аброҳ Хидоятнинг Отелло» ролида,  
«Маннон Уйғур портрети», «Назарали  
Низов портрети», «Ойбек портрети»,  
«Академик Қори Нисезий портрети»,  
«Қоми: Яшин портрети», «Ҳамид Олим-  
жон портрети», «Она», асарларида аниқ  
тасаввур қиламиз.  
Санъаткор «Аброҳ Хидоятнинг Отелло  
ролида» асарида атоқли актёрнинг роль  
устиди ишлашнинг, унга бутун вужуди  
билан берилганлигини кўрсатишини иянт  
қилган бўлса, «Маннон Уйғур портре-  
ти»да атоқли режиссёрни бир бутун  
асарни саҳналаштириш устиди чуқур  
мушоҳода юрилган шахс сифатида  
тасвирлашга интилан.

«Аброҳ Хидоятнинг Отелло» ролида»  
ҳамда «Ойбек портрети» мўйқалам со-  
ҳибини Иттифоқимизга таништар бўлса,  
«Назарали Низов портрети» унинг шух-  
ратини мамлакатимиздан узоқларга ҳам  
ёлди.  
Рассом дастлабки портретларини фақ-  
ат хонадагина тасвирлаган бўлса, ке-  
йинчалик қаҳрамонларни табиат оғуши-  
да кўрсата бошлади. «Ёзувчи Собир Аб-  
дулла портрети», «Шоҳмад Шомаҳму-  
довлар оиласи», «Хумсон онаси», «Ҳа-  
мид Олимжон портрети», халқ талаб-  
лари сериясига кирган «Хосият» асар-  
ларида у ниятига эришди. Тасвирий  
санъат муҳлислари унинг «Зокридан  
Фурқат», «Ҳамаза Ҳанимовда Нисезий»,  
«Нуроний портрети», «Сора Эшонгўрае-  
ва портрети», «Халқ устаси Т. Арсло-  
қулов портрети» каби мўйли бўёқда иш-  
ланган суратларини ҳаяжонлиб томо-  
ша қилганлар.  
Абдулҳақ Абдуллаев нелажимига  
бўлган ёшларга ҳам серваз асарлар  
ишлади. «Мирза портрети», «Пионер  
қиз портрети», «Шаҳло», «Малина»,  
«Шухрат» портретлари ҳам юксак баҳо-  
га сазовор. Унинг «Шаҳло» портрети  
Третъяков галереясида, «Малина» асар  
Шарқ халқлари маданияти музейида то-  
мошабилар эътиборини қозониб нел-  
моқда.  
Санъаткор чет элларга қилган илю-  
стри сафарлари давомида талайгина асар-  
лар чизди. «Индра Ганди», «Сайфид-  
дин Китҳуд», «Ҳиндистонлик бола»,  
«Ҳинд аёли» ана шу сабаҳтлари маҳсу-  
лидир.  
Санъаткорнинг илюстри режалари кат-  
та. У Улуғ Октябрь 50 йиллиги шодбе-  
насида катта ҳозирлик кўрмоқда. Аб-  
дулҳақ Абдуллаев шу йил Ёзда респу-  
блика Ёзувчилар союзи боғида бўлиб,  
налам аҳдлардан Мақсуд Шайховода,  
Мамарасул Бобоев, Туроб Тула, Саид  
Аҳмад ва бошқалар портретини чизди.

Ҳ. ҚАРИМОВ.



БУРЧМУЛЛА ИҮЛИ.

О. Аҳмаджонов этюди.

Адабиётда историзм деган тушунча бор. Бу — инсоннинг фаний асоси, илюстри методимизнинг муҳим сифатларидан биридир. Воқеаларга тарихий ёндашиш тарихий назарда ишлайдиган ёзувчиларга эмас, ҳозирги замон назарда ишловчи ёзувчиларга ҳам жуда зарур, чунки улар ҳозирги чунини аввало тарихий реалистик сифатида, замонанинг муҳим бир туғун сифатида ифодалашлари керак.

Ёзувчи тарихий реалистик ҳиссидан маҳрум бўл-  
са, қаҳрамон тандирини халқ тандири билан  
боғлайдиган воситаларни бўшатириб қўйса,  
ҳассос гражданлигини ва тарихий перспективани  
йўқотса, асарнинг говий-эстетик нуҳи ўзи-  
дан-ўзи сусайиб нетаверди.  
Бадий асар — ёзувчининг китобхон билан  
суҳбати Ленин шунчани шахсий суҳбат эмас.  
Инсон ҳаёти, давр ханиқати, халқ ва аҳолилар  
тақдирини ҳақиқат маъсуляти суҳбат. Демак,  
натта интимий финр айта билш зарур.  
Аммо финр айтишининг ўзи учунгина ёзувчи  
булиш шарт эмас.  
Ёзувчи учун финр — гўзалликда. Ёзувчи ин-  
тобон билан туйғулор орқали суҳбатлашадан.  
Э-л юксак туйғулорни қадб гўзаллиги, масорат  
гўзаллиги урғотди.  
Мана шундай қилиб, адабиётнинг социал сал-  
моғи билан бадий юксанлиги ҳақидаги талаб-  
лар бир юбга неаиб қўшилди. Бу талаблар  
мангу талабличига қолади, камолат ченисиздир.

Аммо III съездан кейинги даврда биз шу та-  
лабларга улуг ҳуомат билан астойдил ишлаб,  
маълул боскичга кўтарилиди.  
Менинчга, бу даврда адабиётимиз муҳим воқеа  
шу.  
Съезда миллий адабиётларда социалистик  
реализмнинг тақомили ҳақида гап-лашшш ке-  
рак Менинчга, бу натта муҳим процесс, соци-  
алистик миллий адабиётларнинг гуллаши билан  
боғлиқ процесс. Баъзан баҳсларда социалистик  
ва миллий жиҳатларни бир-бирига энд қўйиш  
тенденциялари бўлди, миллий ўзига хос-  
ликларни тезроқ «ўғатишга» қарувуви, қўнган  
кўнчи тутта» баъзи танқидчилар нелажимига  
умумийсоний юксанлигини вақтиний яратиш ма-  
саласини вулгарлаштириш бошладилар.  
Бизнинг ўзбек адабиётинида социалистик ре-  
ализмнинг сўнги йиллардаги тақомили шуни  
кўрсатдики, шанл ва маъмуний диалентик  
бирлигидек, миллий ва социалистик деган тушун.

## Совет ёзувчилари Бутуниттифоқ IV съезди олдиан УЛКАН ЯКУН, ЗУР СИНОВ

### Асқад МУХТОР

бизадилар, баъзилари бизнинг илюстри ҳақида  
эсириб нолган финрлар, эски билимлари, эски  
фантлар асосида гап-радиолар, кўплар русчага  
нилинган яхши-яхши таржималар асосидагина  
сўз юришадилар. Баъзилар эса, адабиётда фео-  
дал-сарой формализмининг нолдинларини йўқотиш,  
риторика ёни эстетикдан кутулиш, фольклор  
даражасидан кўтарилиб чиқиш ҳақида гап юри-  
тилгандагина Урта Осн миллий адабиётларини  
тилга оладилар. Гўё бу ерда барномол ва баъу-  
ват ҳозирги замон социалистик реализм адаби-  
ти ҳали ҳам йўқдай.  
Бундан ташқари, республикадаги танқидчилар-  
нинг фаолияти Бутуниттифоқ миёнасига астой-  
дил чиқолмагани учун, адабиётимиздаги муҳим  
жабралар, унинг чуқур индиали сифат ўзга-  
ришлари, унинг сўнги боскичларни кўпмиллат-  
ли совет адабиети таърихларининг таҳлилида  
ханиқини монли ва бой материал бўлиб хизмат  
қиламаяпти.

Кўп миллатли совет адабиети деган ифода  
кўп миллатли совет бадий танқидчилигини  
ҳам ўз ичига оларан, биз миллий адабиётларда  
турли боскичларда давом йўзган мон ва ну-  
ратли процессинг, 50 дан ортиқ адабиётда со-  
циалистик реализм камолоти процессининг ҳа-  
қиқий ва тўла манзарасини яратганимиз зарур.  
Марнавадиги ва республикадаги танқидчи-  
лар XXIII съездининг мана бундай таъкидларини  
чуқурроқ ўйлаб кўришдан лозим «Мамлакатимиз-  
мизда адабиёт ва санъат соҳасидаги ўзининг  
натта муваффақиятлари билан фахрланмаган  
биронча ҳам республика йўқи»  
Биз съездан нима кутамиз? Съезд бизнинг  
ишларимизга ямун лсайдн. Съезд бизнинг ижо-  
дий ҳаётимизда фавауллада ҳодиса эмас, у иши-  
мизнинг давомини, муҳим бир шакли. Ҳозир ҳам,  
ва ишнинг тарихий XXIII съезд нўрсатмалари  
асосида бўлгандай, ёзувчилар съездининг иши  
ҳам шу асосда бўлади.  
Бундан ташқари, съезди,  
Миз Октябрьнинг 50 йил-  
лиги ва В. И. Ленин ту-  
ғилган кўннинг 100 йил-  
лиги олдидан чамирла-  
япти. У бизнинг олдими-  
га катта талаблар қўя-  
жмк.





# БРЕСТ ЛАВХАЛАРИ

Гафур Фулом номиди бадий адабиёт нашрият Адхам Раҳматнинг «Брест лавҳалари» китобини бозорда чиқарди. Сиз ашуларни қўлингизга олишга ҳаққингизни ўқиб, Брестнинг Улуу Ватан уруши қаҳрамонларининг ҳаётидан ёзган очерк ва лавҳалари билан яхши танишсан. Уларнинг баъзилари оқолларда азият, Ватан учун олиб борилган жангларда қандам ва қурол билан иштирок этган ҳақиқат Адхам Раҳмат кўрдаш дўстлари, ўзбек жаңгичилари хотирасини тиклаш йўлида қўлуш ишлар қилмоқда. У шу ниятда мамлекатимизнинг кўп жойларида бўлди.

Фронтида дом-дараксиз йўқолган, ҳалқ бахт-саодати йўлида жон фидо этган баҳодир йигитлар, жасур қизлар исини то-

пиб, уларнинг жанговар ишлари тўғрисида бизларга хикоя қилиб беради. Яқинда ёзувчи ана шундай қаҳрамонлардан яна бир гуруҳининг тоқиди. Булар асосан Брест қалъасининг ҳимоятчилари — мард ўзбек йигитлари. Адхам Раҳматнинг янги китоби шулар тўғрисида хикоя қилади.

## «ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИ»

«Фан» нашрият босмадан чиқарган «Ўзбек шевалари лексикаси» китобида Тошкент, Фарога, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областлари, шунингдек, Қорқашқоғистон АССРда яшовчи ўзбеклар нутқидаги хилма-хил лек-



сик хусусиятлар таҳлил қилинган. Ҳозирги ўзбек адабий тили, шунингдек айрим туркий тиллар ва уларнинг баъзи ёрдамчи тилларнинг қисқич тўқмадан кенг урилган. Китоб турколог дилектологлар, мактаб ўқувчилари, олий ўқиш турчилари, олий ўқиш юрталари филология факультетларининг студентлари, аспирантлари ҳамда тилишунослик насадалари билан шугулланувчи мутахассисларга мўъалланган.

# АҲОЛИ МАДАДКОРИ

— Келинг, марҳамат. — Менга бироз пул керак бўлиб қолди, — деди йилмаиб Ирина Александровна. — Истаганингизча олишингиз мумкин, — деди тоғоровед Моисей Михайлович. — Бунинг учун баътинча бирон буюм қўлдиршингиз керак. Пулни қанчадир, олиб бериш. Паспортингизни олиб келгандингизми? — Ҳа, паспорт олиб келганим, — деди И. А. Маслянинова. — Мана бу буюмларини кўздан ўтказсангиз. Буюмларини кўздан ўтказиб, чинчак, М. М. Ликсинский — буюмларини, ҳар кимга балонидил

гизнинг нархи 250 сўм. Сизга уч ой муҳлат билан 200 сўм беришимиз мумкин. Шарти шунки, ҳар ойда 100 сўм учун 1 сўм 30 тийиндан тўлайсиз, деди. Севинган аёл махсус блани олиб, нулай тулга утирди. Уни тулгади. Буюмларини қўлдирган, лиги ҳақидаги ҳужжатни ва 200 сўм пулни сумка, сизга солиб магазинга йўл олди. Сизга ҳам пул керак бўлса, марҳамат қилиб, Тошкентнинг Глинка кўчасидаги 13-уйга келишингиз мумкин. Ширин суҳан ва аҳил коллектив ҳар кимга балонидил

— Вақтинчага пул зарур бўлиб қолса, дарҳол шу ерга келиман, — деди Артурович. — 12-уйда истиқомат қилувчи С. М. Шифер. — Давлатимиз аҳолининг дилдаги тилан ва озуларини рўёбга чиқаради. Шулар натори мен ҳам озу қилиб юрган буюмларимни олишга тўрафман бўлдим. — «Ломбард» уйдан фойдаланишнинг яна бир мумкин жойи шундир, кўз қорачидаги асраб ортинча буюмларингизни беради. Балқоаб ташлаб кетган юз сўмлик буюмларингизни бир ой саклашни учун атиги 40 тийин ҳам тўланади. «Ломбард» — аҳолининг мададкори бўлиб қолмоқда. А. ОБИДУНАЕВ.

# ЖАҲОН МАТБОТИ САҲИФАЛАРИДАН

Азизим Парвиз, бу хатни сенга бир вақтлар яқин дўст бўлган ва ҳозирча нотаниш кишидан деб билгайсан. Найлай, мен сенга бағонаман, чунки бир йил бўлдим, йўқлаб бирор дона хат ёзмадим. Лекин нима қилишим керак эди? Янги йилнинг бир неча ойн ўтганидан кейин Фаридуни билан тўй қилганлигимизни эшитган бўлсанг керак. Сен уни яхши билар ва шунинг учун ҳам у билан тўй қилишимизга қарши эдинг. Лекин мен ҳеч кимнинг гапини қўлоғимга олмадим. У билан тўй қилдим, ҳатто, сенга хабар ҳам бермадим. Бундан бошқа яна нима йўқ эди.

Мен Фаридуни яхши кўрадим, у ҳам мени тез-тез йўқлаб турар эди. Биласанми, икки йил ордан юрди, мен розилик бердим. Аммо оқибат шарманда бўлдим.

Фарзандим Фаридуни билан менинг ўрғамдан келишимнинг дилнинг йўқ бўлишига сабаб бўлар, деб ўйлар эдим. Аммо адибонаман, чунки бир йил бўлдим, йўқлаб бирор дона хат ёзмадим. Лекин нима қилишим керак эди? Янги йилнинг бир неча ойн ўтганидан кейин Фаридуни билан тўй қилганлигимизни эшитган бўлсанг керак. Сен уни яхши билар ва шунинг учун ҳам у билан тўй қилишимизга қарши эдинг. Лекин мен ҳеч кимнинг гапини қўлоғимга олмадим. У билан тўй қилдим, ҳатто, сенга хабар ҳам бермадим. Бундан бошқа яна нима йўқ эди.

Фард соддим, тўлиб-тошиб йилладим. Фаридуни ташқарига чиқди ва совуққонлик билан деди: — Менга ҳеч нима керак эмас, кўнглимгиз нимага хоҳласа...

# „ОДАМИ ЭРСАНГ...“

Буюк шоир Алишер Навоий тўғрисида 525 йиллик юбилейига ўзбек халқи тарафдан кўрапти. Унинг тўғри шеърлар берадими айтадими, ама шу шеърлар берадими, ушун ўзбек халқининг ишончлари Навоий сиймоси ҳақида фильм яратишга иштирок қилди.

Филмнинг кўпгина надрлари Афғонистоннинг кўҳна ва қадимий шаҳри Хиротда суратга олинди. Маълумки, ширинг жасади шу ерга қўйилган. Шоир шаҳардаги кўп тарихий ёдгорликларга қандам равишда қилган. Ўзбек операторларидан Т. Нодиров, Д. Салимов, Г. Рўзиевлар Хирот ҳақида кўпгина надрларини суратга туширишган.

Операторлар Абу Райҳон Беруний номидида Шарфшўнослик институтининг иодир кўп ёмалар сакланадиган фондарида ҳам бўлиши. Бу ерда Алишер Навоий асарларининг намуналари сакланмоқда.



Суратда: ошпазлар бригада бошлиғи Т. Тожибоев (чапда) ва ошпаз А. Маматқулов ўртоқлар билан таомлар тайёрламоқдалар.

# ҲАЁТ ҚИРҒОҒИДАГИ НИКОҲ

Авалдига ҳаётимиз ёмон ўтмади, ҳақиқатда ҳам у мени яхши кўради. Лекин Фаридуни қайсар йигитлардан эди. Тўйимизга олти ой бўлмаёқ менам совий бошладим. Уйга келарми маст, ҳушсиз келарди. Баъзан ярим кечагача кутардим. Бора-бора уйга келмай қолганим бўлди. Бир кунни чун тағидан икки куннинг суратини топиб олдим. Одобоналик қилганлигим билдим. Лекин на чора? Менинг ҳаётим ва бахтим Фаридунига боғлиқ. Мен уни хануз севмадим.

Бу жумбоқни самимий дўстона ўқитдим. Ранги ўчиб қизариб кетди. Лекин ҳеч нима демеди. Иккинчи марта насихат қилмоқчи бўлганимда яна аччиқланди ва қаттиқ тикилиб, дод солди: — Ахир, бу эриқликлар сенга берилмаган, мен эриқман, кўнглим нимага хоҳласа қиламан...

Лекин у мард кишилардан эмасди, номардликда бунақасини кўрмаганман. Тўйимиздан сўнг бир йил ўтди. Мен она бўлдим. У бундан фақат хафа бўлибгина қолмасди, насақхонада қанча мулат ётган бўлсам, фақат бир мартагина борди: ҳолос. Менинг қалбим мусаффо эди. Ҳаминча соддалигимдан аччиқман!

Унинг юрагида мен учун зарра жой қолмаганини энди тушунадим. Энди мен учун ҳамма нарсаси таом бўлди, кеча талақ хатини олдим. Кеч бўлганини тушунадим. Лекин сабр қилганимда жуда ҳам кеч бўлар эди. Бу айнч ўттишимдан қизим Минувдан бошқа ёдгорлик қолмади. Икки кун олдин поездга билет олган эдим, эртага сенинг олдига бормоқчиман.

# ФАЗИЛАТ

— Кеч соат 9 дан ошиб қолди. Бешёғочга бориб учун автобус кутардим. Усти ёлқ машина келиб қолди. Беш киши машинага чиқди. Йўлда ҳар ким ўзига керакли жойларда тушиб қолди.

# ДАМЛАСДА УҚ УЗГАН КИМ?

Америка ёзувчиси Иохим Иостеннинг «Кеннедининг ўлдирлиши ҳақидаги ҳақиқат» китобидан биз келтирибган парчада автор Уоррен синчилаб анализ қилиш натижасида президент Кеннеди нихотат тадбирдорлик билан тақини қилинган фитна қурбони бўлди, деган хулосага келди.

И. Иостен қалбани Освальд маъмури бўлиб, унинг ёрдами билан ҳақиқий Освальдга қарши жиноят юлганлиги ҳақида ўз гумонини билдириди. Президент Кеннедига суиқасд уюштирилганда 25 минут ўтган полициячи Тилпнинг номисисининг бу қотилликни аниқлашга бўлаган 12 гувоҳ Уоррен номисисини томонидан мулғола

И. Иостен ўз китобининг сўнги боблирида лар ахтарганини бир тарафлама қараш деган хулосага келди.

қисмларини алоҳида олиб келган қорғоз гилонли қолдириши ҳам унутмаган. ★ Уқ узиш учун таёёрланган жойдаги кутиларда терговчилар унинг 28 изи — бармоқ изи топишган. Улардан учтаси Освальд томонидан, 24 таси полициячилар томонидан қолдирилган бўлиб, 28-из кимини эқалини аниқланмаган. Бу маълумотлар ҳам комиссия учун Освальд худди жиноят содир бўлган жойда қолдирган деган хулоса чиқаришга далил бўлган. Бу оморда ишлаган Освальд ўз хизмат вазифини ўтаб кутиларини бир жойдан иккинчи жойга ташинида бармоқ изини қолдирган бўлса керак деган фикр комиссия томонидан эътиборга олинмади.

Уоррен комиссияси томонидан эълон қилинган кўпгина суратлардан биттаси эътиборга сазовор. Бу суиқасдга президент қорғозини кўриб яшириниб турган жойининг суратидир. Бу суратда дераза ёнига тақлаб қўйилган учта кўчи кўза ташланади. Улар винтовка учун таъин бўлиши керак эди. Кўчилардан таёёрланган жой яна бир суратда кўза ташланади. У сурат 1963 йилнинг 23 ноябрда «Даллас морнингнинг» газетасида босилган.

Агар ҳар икки фотография таққослаб кўриلسа, улар орасидаги фарқ дарҳол кўзга ташланади. Газетадаги суратда кўчилар бир-бирининг устига қўйилган бўлса, Уоррен доқладидан суратда аса юқориди кўчи дераза ёнига қўйилган. Суратлардан қайсини ҳақиқатга тўғри келди, деган масалани аниқлаш иккинчи фикрни аниқлаб олиш учун жуда зарур:

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

12 ДЕКАБРДА БИРИНЧИ ПРОГРАММА 18.10 — Куйлар, 19.20 — Коңцерт (тат.), 20.00 — «Мелиораторларнинг янги маршлари» (рус.), 20.10 — Коңцерт, 20.45 — «Олтинш еттичи йил қурилиш ишлари», 21.20 — Коңцерт (қиллоқ ҳужалик ҳодимлари учун), 22.00 — Дене мақдёлари 22.10 — Вальс, 22.40 — «Замондашлар», 23.20 — Коңцерт (янги тошкентли қураётганлар учун)

12 ДЕКАБРДА Уруш ва тинчлик (2-серия) — САНЪАТ САРОНИ (кеч соат 7 ярим ва 9-15 минутда). Ташқарининг ўғиллари (1 ва 2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МНР», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кечқурун).

НАТАША ХОНИМ деган янги бадий фильм чиқарди. Сценарий автори — С. Нагорний. Постановкачи режиссер — Л. Фаизев. Бош оператор — А. Паия. РОЛЛАРДА: О. Амалина, У. Дилқўжаев, Р. Пармухамедов, Р. Ҳамроев, И. Эргашев. «Ўзбекфильм» киностудияси ишлаган.

# КИМ КҮП

Бир кун Бисмарк бир дара йўлини, жуда қийналибди ва машҳур бир врачни чақиртирди. Бир врачнинг кўрган захотчи касалини айтиб берибди. Бисмарк бу тасодифий ҳодисадан таажубланиб сўрабди: — Шунчалик аниқ диагноз қўйишга эришганингизча, қанча киши қурбон бўлди? — Сиз бу дардага йў-

# БУ ЖУДА ҚАМ ВУЛАДИ

Бир кун буюк физик Альберт Эйнштейн олдида интервью олиш учун оригинал савоаллар таъйёрлаб бир ихтирочи репортёр келибди: — Сиз ашқининг буюк ўйларингизни қандай ёзиб оласиз? Бунинг учун ён дафтараңиз борми ёки картотекадан фойдаланасизми? — деб сўрабди. — Эйнштейн ўз олдида ён дафтараңизни ҳозирлаб турган репортёрга қараб шундай дебди: — Азизим! Ҳақиқий ўйлар милята шундай нам келадими, уларни эса сақлаб қолиш ҳам қийин.

# АСР КЕТИДАН КҮВИВ

Бир кун мода кетида «кувиш» ни ёмон кўрадиган математик Остроградский тикувчи бир кюстом тукурибди. Тикувчи кюстнинг ишмини жуда тоққилиб қўйибди. Остроградский эътироз билдирган экан, тикувчи: — Мен ҳаммасини янги модала тикдим,

# ҚИРҒОҒИДА

Ҳозирги аср модалар асри. Асрдан орда қили арамайди, — дебди. — Мен бундай торшим билан асрин қандай қилиб қувиб етмай, — деб жавоб берди Остроградский.

# ҚИРҒОҒИДА

Сўнгра бу китоб муаллифи тергов Освальдининг «Карнаво» системасидаги милтиқдан ўқ узишнинг тўғрисидаги маълумотини ҳам ишончли тасвирламагани тўғрисида мисоллар келтирди. Қуролни Техасдаги мактаб ўқув қуроллари оморидан топан икки кишининг «Бир» — полициячи Рейман айтишича, у «Маузер» системасидаги 7,65 мм калибри 4X13 милтиқга қўйилган оптик принциплик милтиқ эди. Уоррен доқладиди бу гувоҳликни эътибор берилди, унинг маъноси нахитилди. Доқладда, Вейман «Қуролни йўл-йўлак қилиб, ҳатто қўлига ҳам олган» дейилган сузлар бор, ҳолос. Бу воқеадан сўнг, — дейилди доқладда, экспертлар топан қурол 6,5 мм калибри «Карнаво» системасидаги милтиқ эқалини аниқлашди. Агар Вейман қуролга «йўл-йўлак қилиб» югуртирилган бўлса, у ҳолда оптик принциплик қичина рақамларини қандай аниқлади?

# ОМБОРХОНАДАН ТОПИЛГАН

Омборхонадан топишган, Освальд милтигини ўраб келган деб фарз қилинган қорғоз гилонли ФБР лабораториясида таъинмайдиган даражада ўзгартирилди. Унинг ўрнига бошқа «Карнаво» системасидаги винтовка бузилганда синдирилган тиллоф таъйёрланди. Агар гувоҳлар далилга эътибор берилса, қорғоз гилонли тўғрисидаги халқомалат гумондор мумкин. Освальд — 22 — ноябрда қорғоз тиллоф кўтарганини аниқ икки киши кўрган. Улардан бири Освальднинг орталоб йўл-йўлак Делласта машинага солиб келган Бьюэл Уелли Фрезердир. Иккинчи гувоҳ эса Фрезер билан бирге истиқомат қилганда опаси Линия Мей Рендга ҳисобланди. Фрезер ҳам, унинг опаси ҳам ўз далилларида бир овоздан Освальд кўтариб келган гилонли уларга кўрсатилган гилонлига нисбатан бир оз калтароқ эқалинигини таъинлади.

# НАВОИИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА

13/ХІ да Махарабозлар ва коңцерт бўлиди. ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/ХІ да Гамлет. МУКМИНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/ХІІ да Равшан ва Зулхумор. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПИРКИДА — Ўзбек пирки, йиртиқ хайвонларни ўргатувчи Иван Рубан ва қизқичлар гуруҳи.

# ТЕАТР

НАВОИИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 13/ХІ да Махарабозлар ва коңцерт бўлиди. ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/ХІ да Гамлет. МУКМИНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/ХІІ да Равшан ва Зулхумор. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПИРКИДА — Ўзбек пирки, йиртиқ хайвонларни ўргатувчи Иван Рубан ва қизқичлар гуруҳи.

# «ҚИЛИМ РЕМОНТ ҚИЛИШ» КОМБИНАТИ

1966 йил август ойида ва ундан илгари КИВИМЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН ТОПИЛГАН. Газетада шу эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун ичида БУ КИВИМЛАРИНИ ОЛМАСАЛАР. Улар давлат даромадлари фойдасига сотиб юборилади.

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

12 ДЕКАБРЬ, 1966 Й. Р. 16196

# БИЗНИНГ АДРЕС:

Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: номмутатор В3-02-49 дан В3-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва насаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; санавт, қурилиш ва шаҳар ҳўналиши бўлими — 3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқиш юрталари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони В3.65-57); хатлар ва оималар ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 3-79; (шаҳар телефони — В38142).

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.

# ИНДЕКС 64579.

Нашр. Г. 2921.